

МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ БАРКАМОЛ ИНСОННИ КАМОЛ ТОПИШИДА МУҲИМ ОБЪЕКТИВ ОМИЛИ СИФАТИДА

М.Аллаярова. (СамДУ доценти)
Пардаев Нодир. (СамДУ магистри)

Аннотация

Мақолада маънавий тараққиёт мамлакатимизда ўзига хос фуқаролик жамиятини шакллантириши, ривожлантириши билан чамбарчас боғлиқ жараён лар, унинг зарурий шарти- баркамол инсонни камол топишида муҳим объектив омил вазифаси ҳақида фикр юритилган.

Бугунги глобаллашув жараёнида маънавий тараққиёт жаҳон цивилизациясига хавф солаётган глобал муаммоларни ҳал этишнинг асосий омили сифатида намоён бўлмоқда. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, маънавий тараққиётнинг объектив жараён эканлиги масаласи ханузгача илмий назарий жиҳатдан етарлича ўрганилмасдан келинаётган тадқиқот мавзулардан бири ҳисобланади. Маънавий тараққиёт умумий ижтимоий тараққиётнинг ажралмас бир қисми сифатида инсониятнинг эришган ютуқлари, яратган бойликлари ҳамда уларни рўёбга чиқариш ва комилликка бўлган интилишининг маҳсулидир.

Мустабид тузум даврида халқимиз жаҳон цивилизациясидан, шунингдек ўзининг бой маънавияти, маданий меросидан узоқлаштирилди, кишиларимизнинг хотирасидан ўчирилишга ҳаракат қилинди. Натижада бу даврда маънавий меросимиз, унинг инсоният цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси ўрганилмасдан қолди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бевосита Юртбошимиз раҳнамоларида халқимиз, буюк аждодларимиз яратган маънавий қадриятларимиз, бой маданий меросимиз қайтадан тикланди. Мазкур қайта тикланиш жараёни мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг зарурий шарти бўлган баркамол инсонни шакллантиришнинг объектив омили сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Шунга кўра маънавий тараққиёт баркамол инсонни шакллантиришнинг объектив омили сифатидаги хусусияти масаласи долзарб мавзулардан бири сифатида ўрганиш, таҳлил этиш талаб этилади. Маълумки, маънавий тараққиёт инсоният умумий тарихий тараққиётининг ажралмас бир қисмидир. У жамиятдаги барча соҳаларнинг инсон омили, камолоти учун хизмат қилувчи илм- фан ютуқлари, маданий бойликлар тизимининг яратилиши билан боғлиқ жараёнлар ва омилларни ўз ичига олади.

Маънавий тараққиёт қисқа бир давр, йиллар ичида эмас, балки муайян бир тарихий тараққиёт босқичининг маҳсули сифатида шаклланади, юзага келади. Муайян миллат вакиллариининг маънавият соҳасида эришган ютуқлари, миллий ривожланиш даражасининг замон руҳи билан уйғунлашиб бориши уларнинг илм салоҳияти, савияси, дунёқараши, маданияти билан узвий боғлиқдир. Миллат томонидан яратилган маънавий мерос, маданий ва

маънавий бойликлар давр ўтиши билан янада мазмунан бойиб, янги кирралари кашф қилиб борилади.

Шунга кўра маънавий тараққиёт миллат ҳаётида муайян давр маҳсули сифатида рўёбга чиқар экан, у халқнинг, миллатнинг ўзлигини англаш, миллий тикланиш, маънавий- маърифий ривожланиш даражасининг намоён бўлиш шакли ҳисобланади. Маънавий тараққиёт ўзига ҳос ворисийлик, узлуксизлик, тизимлилик, бутун ва қисм бирлиги, тарихийлик, мантиқийлик тамойиллари асосида шаклланиб, юксалиб бориши натижасида бир авлоддан кейинги авлодга маданий маънавий мерос, бойликлар сифатида етиб келадиган жараёндир.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан мазкур объектив жараённинг хусусиятини қуйидагича изоҳланади: "...маънавий юксалишга эришиш(маънавий тараққиёт- изоҳ бизники) - бу бир йиллик ёки беш ўн йиллик иш эмас. Халқ миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради. Чунки маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, балки доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади"¹.

Айнан ана шу узлуксиз, ворисийлик тамойиллари асосида келадиган объектив жараёнда ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалар ривожланиб, баркамол авлод- комил инсонлар шаклланишига замин яратилади. Бунга мисол тариқасида IX-XII, XIV- XVII асрлардаги Марказий Осиё, хусусан, юртимиздаги Уйғониш даврини келтириш мумкин.

Бу давр ижтимоий -сиёсий ҳаётида комил инсонни тарбиялаш, шакллантириш муаммоси, унга доир таълимот, қараш, назариялар вужудга келади ва унинг асосий долзарб мавзуларига айланади. Масалан, шу даврнинг қомусий олимлари Форобий, Ибн Сино, Берунийлар комил инсон муаммосини ўша даврнинг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири сифатида олиб қараганлари ҳолда унинг ечими, ҳал этилишининг асосий, муҳим омили-бу билимга эга бўлиш ва юксак ахлоқийликдир, деган қарашни илгари сурганлар. Ва улар ўзларининг комил инсон тўғрисидаги қарашларини фалсафий, ижтимоий фикрлари билан боғлиқ тарзда ҳолда ифодалаган ва махсус рисоаларда талқин этганлар. Хусусан Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" номли асарида фозил шаҳар ҳокимининг фазилатлари ҳақида сўз юритиб унинг энг асосий хислатлари соғлом, ақлли ва зехнли, фаросатли, нозик фаросатли, зукко, билим ва маърифатда чарчамайдиган, ҳақ ва ҳақиқатни, адолатни севадиган инсон бўлишлигини кўрсатиб ўтган.²

XI асрда яшаб ўтган аллома Юсуф Ҳос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида комил инсон муаммосини билим, таълим ва ахлоқийлик сифатларининг уйғунлигида ифодалаб, ростгўйлик, тўғрилик, меҳр-муҳаббат, вафо, шафқат, мурувват, инсоф, адолат, садоқат, хушмуомалалик,

¹ И.А.Каримов.Юксак маънавият- енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008й. 171- бет.

² Форобий. Фозил одамлар шаҳри.Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2004 йил, 41-бет.

ширинсўзлик, саховат, химматлилик, тавозе, билимга чанқоқлик, донишмандлик, халоллик, эзгулик каби маънавий- ахлоқий хислатлар инсон комиллигининг меъёрлари сифатида талқин қилинади. Шунингдек, XV асрнинг буюк алломаси Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Маҳбуб -ул қулуб”, “Муножот”, “Вақия”, “Мажолис -ун нафоис” асарларида маънавият инсонни камолотга етиштиришнинг муҳим омилидир, деган ғоя билан суғорилгандир.

Шунга кўра айтиш мумкинки, тарихимизнинг юксалиш даврларида маънавий тараққиёт жараёни доимий равишда узлуксиз тарзда кечган объектив жараён бўлиб, комил инсон, уни шакллантириш, тарбиялаш каби масалалар мутафаккирлар, ижодкорлар томонидан илгари сурилган.³

Айниқса, Темурийлар даврида Марказий Осиё ҳудудида кечган маънавий тараққиёт кишиларни юксак ахлоқийлик, илм-маърифат, инсонийлик каби фазилатларга чорлаш, баркамоллик хислатларини ҳаёт тарзига айлантириш учун объектив шарт- шароит, омил вазифасини ўтаган деб айтиш мумкин. Чунки бу даврда ижтимоий- сиёсий, иқтисодий, бадиий-эстетик, илмий соҳаларнинг йўналиши, мақсади баркамол инсонни тарбиялашга қаратилганлиги билан характерланади.⁴

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий -маърифий, сиёсий, ижтимоий- иқтисодий, маданий соҳалардаги ислохотларнинг туб вазифаси ва мақсади баркамол инсонни тарбиялаш, шакллантириш бўлиб, уни амалга оширишнинг объектив омили, шарт- шароитларига замин яратилди. Бу замин маънавий тараққиётнинг барча жиҳатларини – илм- фан, техника, технология, маъриф, маданият, маънавий мерос, қадриятлар, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, иқтисодий ўсиш, янгича дунёқараш, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги ва ҳоказоларнинг кенг йўлга қўйилишини ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий тараққиёт мамлакатимизда ўзига хос фуқаролик жамиятини шакллантириш, ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ жараён бўлиб, унинг зарурий шарти- баркамол инсонни камол топишда муҳим объектив омил вазифасини ўтайди.

³Қаранг.Бўри Зиёмухаммедов. Комилликка элтувчи китоб. Т., 2006 й., 196, 203- бетлар

⁴ Ж.Каримов. Баркамол инсон фалсафаси. Т. : 2010 йил, 91 -бет.